

“Келес йўли” кўчасининг бир қисми вақтинчалик ёпилади

Айни пайтда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари муносабати билан “Келес йўли” кўчасининг Тошкент туманига кириш қисмидан “Ҳасанбой ота” жоме масжидигача бўлган қисми 2021 йил 14 июль куни соат 9-00 дан таъмирлаш ишлари яқунлангунга қадар транспорт воситалари ҳаракати учун вақтинчалик тўлиқ ёпилади. (суратда қизил рангда)

Ушбу йўналишда ҳаракатланадиган транспорт воситалари вақтинчалик туманнинг Ҳасанбой қишлоғи ҳудудидан ўтган 4Н-699 ҳамда собиқ М.Фозилов жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтган 4Р-4 автомобиль йўллари орқали ташкил этилади (суратда яшил рангда).

Мутасаддилар юзага келадиган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўрайди.

